

ТАЛАБАЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШДА МУРАББИЙЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Исмоилов Ёқубжон Қучқарбоевич

Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари
илмий-тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация:

Мазкур мақолада талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда мураббийлар фаолиятининг технологик жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Калит сўзлар: жисмоний маданият, талаба, маънавий-ахлоқий, жисмоний ҳаракат, мураббий, ёшлар, спорт.

Аннотация:

В данной статье изложены сведения о технологических аспектах деятельности тренеров по духовно-нравственному воспитанию учащихся.

Ключевые слова: физическая культура, студент, духовно-нравственный, физическое движение, тренер, молодежь, спорт.

Abstract:

This article describes the information about the technological aspects of the activity of coaches in the spiritual and moral education of students.

Keywords: physical culture, student, spiritual and moral, physical movement, coach, youth, sport.

Талабалар - ижтимоий ҳаётга ва мутахассисликка оид ролларни муайян қоида ва махсус дастур асосида бажаришга тайёрланаётган, миллат зиёлиларининг янги авлоди бўлишга киришаётган ижтимоий гуруҳдир. Талабалик даврининг асосий хусусиятларидан бири ижтимоий етукликнинг жадал суръат билан рўёбга чиқишидир. Бу эса бўлажак жисмоний маданият ўқитувчилари - талабалардан зарур ақлий қобилиятни ҳамдатурли ижтимоий ролларни эгаллашгатайёргарликни талаб қилади. Мазкур жараённинг бош мезонлари ахлоқий камолатга интилиш туйғуси, иродавий зўр бериш, ёш оталик ва оналик бурчи, жамоат фаоли вазифасини ўташ, ижтимоий гуруҳга раҳбарлик қилиш, спорт билан шуғулланиш, бўш вақтини ташкил эта олиш, турли тўғарақларда қатнашиш ва ҳоказолардан иборатдир.

Талабалик йиллари ҳақида турли нуқтаи назарлар, қарашлар ва таърифлар мавжуд. Ўзбекистонда бу борада “Студентлик – олтин даврим”, дейилса, социологик давраларда талабалар алоҳида демографик қатлам ҳисобланади. Тадқиқотчи Е.Е.Гришиннинг тадқиқотларида талабалар ёшларнинг энг билимли, ҳаётга яхши тайёрланган қисми, деб ҳисобланиши қайд қилинади. Зеро талабалик йиллари бу – шахс шаклланишидаги асосий босқич бўлиб, айнан шу босқичда шахснинг фаол фуқаролик позицияси, эътиқоди, дўстлари, ҳамфикрлар давраси шаклланади [1].

Талабалик даври ўспиринликнинг иккинчи босқичидан иборат бўлиб, 17–22 (25) ёшни ўз ичига олади. Бу ёш шахснинг ижтимоий ҳамда касбий мавқеини англашидан бошланади. Бунинг учун у ўзига хос руҳий ўзгариш ёки тангликни бошидан кечиради. Ўспирин катталарнинг ҳар хил ролларини бажариб кўришга интилади, турмуш тарзининг янги жиҳатларини ўргана бошлайди.

Психология фанлари доктори Ҳ.Жабборовнинг тадқиқотларига кўра, олий ўқув юртларида таълимолиш талабалар учун мураккаб кечади, чунки бу даврда шахснинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, хислатлари, сифатлари такомиллашиш босқичида бўлади. Мазкур ёш давридаги ижтимоий-психологик ўсишнинг хусусиятларидан бири ўқиш фаолиятининг онгли мотивлари кучайишидир. Талабаларда маънавий-ахлоқий фазилатларнинг ўсиши суёт амалга ошсада, лекин хулқнинг энг муҳим сифатлари – мустақиллик, ташаббускорлик, топқирлик, фаросатлилиқ ва ҳоказолар такомиллашиб боради. Шунингдек, уларда ижтимоий ҳолатларга, воқеликка, ахлоқий қоидаларга қизиқиш, уларни англашга интилиш тобора кучаяди. [2].

Талаба аста-секин микрогуруҳнинг маънавий-ахлоқий қадриятларига кўникиб боради, ўз ҳақ-хуқуқлари ва мажбуриятларини, шахслараро муносабатлар, хулқнинг янгича моделларини ўрганади, турмушдаги ижтимоий ролларни амалда шахсан синаб кўришга интилади. Талабаларга хос романтик ҳис-туйғулар воқеликка объектив ёндашишга бирмунча халақит беради. Чунки улар турмушдаги ютуқлар ва муваффақиятсизликнинг маънавий-ахлоқий илдизлари нимадан иборат эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмайдилар.

В.Т.Лисовскийнинг фикрича, 19-20 ёшларда айрим салбий хатти-ҳаракатлар тенденциялари ҳам кўзга ташланади. Яъни “Бу ёшда хоҳ иш ва интилиш ривожланишда ирода ва характердан анча илгарилаб кетади. Бунда одамнинг ҳаётий тажрибаси алоҳида роль ўйнайди, чунки талаба шу тажриба етишмаслиги натижасида назария билан амалиётни, фантазия билан реалликни, романтика билан экзотикани, ҳақиқат билан иллюзияни, орзу билан хоҳишни, оптимизм билан қатъийликни аралаштириб юборади”. [3].

Ўспиринликнинг иккинчи даври маънавий-ахлоқий воқеликка баҳо беришда имкониятидан ташқари талаб қўйиш ва кескинлик, максимализм хусусияти билан фарқланади. Бироқ, талабалар ҳар доим ҳам принципиал бўла олмайдилар. Баъзан

қатъиятлилик катталарга асосиз салбий муносабатга ҳам айланади. Талабаларнинг ўқитувчи тавсияларини инкор қилиши кўпинча турли хусусиятли низоларни келтириб чиқаради.

Ю.А.Самариннинг таъкидлашича, ёшларнинг камол топишида ҳар хил ижтимоий-психологик хусусиятли ўзига хос қарама-қаршиликлар, ички зиддиятлар мавжуд бўлади. Уларнинг моддий жиҳатдан ота-онага, олий ўқув юрти маъмуриятига боғлиқлиги иқтисодий зиддиятни келтириб чиқаради. Бу ҳол талабаларнинг хоҳишлари билан мавжуд имкониятнинг номутаносиблиги туфайли юзага келади. [4].

Одатда талабалар II ва III курсларда олий ўқув юрти ва мутахассисликни тўғри танлагани ҳақида яна жиддий ўйлайдилар. Мазкур ёш даврида ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари, ижодий тафаккур, муайян ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билимларни тартибга солиш асосида ҳис-туйғулар, қарашлар, ахлоқий кадриятлар, ўзлигини англаш ва барқарор эътиқод шаклланади.

Халқаро Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти(OECD)нинг «The Future of Education and Skills: Education 2030» - «Таълим-тарбия ва малакаларнинг келажаги: Таълим-тарбия 2030 [5] дастурида шундай дейилади: таълимнинг мақсади нафақат талабаларни меҳнатга тайёрлаш, балки уларда ўз позициясига эга бўлган фаол ва масъулиятли фуқаролар учун зарур бўлган кўникмаларни ривожлантиришдир. Бунинг учун ташкилот уч туркумдаги кўникмаларни таклиф этади. Булар:

- 1/ талабалар жамиятни яхши томонга ўзгартириши учун зарур бўлган "трансформацион кўникмалар";
- 2/ янги кадриятларни яратиш қобилияти (ижодий фикрлаш, мослашувчанлик, қизиқувчанлик, очиклик);
- 3/ қарама-қаршилик, зиддиятларни ҳал қилиш қобилияти ва дилеммалар (тизимли фикрлаш, муаммоларни ҳал қилиш) ва масъулиятни ўз зиммасига олиш қобилиятидан иборат.

Халқаро PIRLS ва PISA тадқиқотларида етакчилик қилиб келаётган мамлакат бўлган Сингапур таълим вазирлиги мактаб ўқувчиларининг" мактабда ва мактабдан ташқарида, мустақил ҳаётда, иш фаолиятида, шиддат билан ривожланаётган рақамли, ўзаро боғлиқ дунёда муваффақият қозонишларига имконини берадиган бир қатор кўникмаларни белгилаб берган. Булар: танқидий фикрлаш, адаптив ва ихтирочилик тафаккури; коммуникатив, ҳамкорлик(коллаборатив) ва ахборот малакалари; фуқаролик, глобал ва маданиятлараро саводхонлик. Ушбу кўникмалар "XXI аср кўникмаларини ривожлантириш" деб аталган [6].

Бу ва бошқа компаратив тадқиқотлар мамлакатимиз олий таълим муассасаларида "XXI аср кўникмаларини ривожлантириш" масаласининг ғоявий тарбиявий сегментини қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида илмий назарий ва ташкилий-педагогик фаолиятнинг конвергенциясига доир бир қатор фикрларни юзага чиқаради.

Жумладан, ушбу контекстда назарий ва ташкилий-педагогик фаолият конвергенцияси деганда, таркибий қисмларнинг (когнитив мақсадли, таркибий-йўналтирилган, ижтимоий-маданий, функционал-маданий, талабаларнинг бўш вақтига йўналтирилган, тузатувчи ва баҳоловчи), маънавий-ахлоқий тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ифода этадиган имкониятларини ҳамда талабаларнинг психологик-педагогик ёрдам билан таъминланган маънавий дунёқарашини тушунамиз. Бунда талабаларни бўлажак жисмоний маданият тарбиясига ўргатишнинг адаптив моделини касбий маънавий ривожлантириш моделига айлантириш, трансформацияни талаб қилади. Бу трансформация талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш фаолияти сифатини белгилайдиган педагогик конвергенция сифатида шахснинг бир неча соҳаларда, хусусан, интеллектуал, ахлоқий, мафкуравий, ижтимоий, маданий ва ижодий ривожланишини таъминлайди. Ушбу конвергенция талабанинг миллий ва жаҳон маданиятини ўзлаштиришига, ҳаёт маъносини онгли равишда излашга ўргатишга, ўз иродасини ва ҳиссиётларини бошқариш қобилиятини шакллантиришга қаратилган. Бу эса, биринчидан, талаба-ёшларнинг бунёдкор ва вайронкор ғояларни танишга, фарқлашга, ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш ва синтез қилиш алгоритмларини яратишга, шунингдек, ўзини-ўзи баҳолашига хизмат қилади.

Иккинчидан, УМТКда белгилаб берилган 10 таянч фазилатни мезонлаштириш, жисмоний маданият ўқитувчисининг касбий маънавияти сифатида интерпретация қилиш, интериоризация ва экстрериоризация қилишга ўргатади.

Учинчидан, маънавий-ахлоқий тарбиянинг ҳар бир талаба учун қизиқарли ва аҳамиятли бўлиши; ҳар бир талабага индивидуал ёндошиш имкониятини яратиш; ижобий фазилатларнинг кундалик ҳаётда намоён бўлишини таъминлаш; ҳар академик гуруҳ талабаларида уларнинг ёшига мос (IV босқичга хос) таянч фазилатларни ривожлантириш ва ўз хулқида ихтиёрий амал қилиш одатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Маънавий-ахлоқий тарбия аввало талаба (бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиси)га ва у орқали мактаб ўқувчисига инсон сифатида ҳурмат билан муносабат бўлишга асосланади. Бунинг учун ҳар бир спорт мураббийси, тьютор, профессор-ўқитувчи, ота-она, талабага инсоний муносабатда бўлиши; унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиши; талабага унинг кучи этадиган ва оқилона, адолатли талабларни қўйиши; тарбияланувчининг ҳолатини, ҳатто у ўзига қўйилган талабларни бажаришдан бош тортган пайтда ҳам тушуниш; талабанинг ўзи билан ўзи бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш; талабани маънавий-ахлоқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларига қизиқтириш; УМТКда белгиланган таянч фазилатларни мажбурий шакллантирмаслик; талабанинг ор-номус ва кадр-қимматини камситувчи жазо методларини қўлламасликни талаб қилади.

Бунда мураббий, спорт устози, ўқитувчи-коучларга қўйиладиган талаблар сифатида: маънавий-ахлоқий тарбиянинг мазмун, йўналишлари, технологиялари;

талабаларни оилада, ОТМда дарс ҳамда дарсдан ташқари ишлар жараёнида тарбиялаш методикаси;

аудиторияда, бўш вақтдаги тарбия, маънавий-маърифий ишлар жараёнларини интеграл диагностика қилиш (З.Эргашева, 2020);

миллий педагогик мерос ҳамда янги педагогик технологияларни амалда қўллай билиш малака ва кўникма ва компетенциялари;

“Маънавиятсоатлари” дарсларида талабаларнинг жамоатчилик ишларида иштирокларини рағбатлантириш, жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлигидан самарали фойдаланиш;

ОТМ, оила, маҳалла ҳамкорлиги;

- маънавий-ахлоқий тарбия натижаларини аниқлаш, баҳолашни йўлга қўйиш;

- индивидуал тарбия машғулотида талабаларнинг индивидуал хусусиятларини, ёши, билим даражаси, дунёқараши, тарбияланганлик даражаси, мотивация ва руҳий ҳолатларига асосланиш;

- креативлик, кейс ва ивент технологияларидан фойдаланиш орқали тарбиянинг идентив мақсадлари ва натижалари тенглигига эришиш;

маънавий-ахлоқий тарбиянинг суггестив технологияси (Ш.Мустафоев, 2022) тақозо қилувчи педагогика назарияси ва тарихи, педагогик маҳорат, ўқитувчи одоби, этика, эстетика, тарих, фалсафа, психология, адабиёт фанларидан хабардор бўлишлари керак. Бу эса тьюторнинг талабалар билан мунтазам педагогик ҳамкорлигини талаб қилади. Шу сабабли “Маънавият соати”нинг ҳар бир мавзусида улар учун ҳаётий тавсия, кўрсатмалар бериб борилади. “Маънавият соатлари” талабалар учун маънавий-ахлоқий компетенциялар тўғрисидаги билимлар манбаи ва ижтимоий малакаларни ўргатиш воситаси сифатида талабаларни ўз-ўзини тарбиялашга, хулқ машқларини бажаришга ўргатади.

Мамлакатимизда ижтимоий фаол фуқароларнинг янги авлодини шакллантириш ҳамда жамиятни “Инсон қадри, бирдамлик ва фаровонлик учун!” ғояси атрофида бирлаштириш ёшлар тарбиясига дахлдор барча ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва чоратadbирларни амалга оширишда ғоявий-услубий тамойиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Ушбу концептуал тамойил жамиятимизнинг энг фаол ва билимли қатлами талабаларни, демак, жисмоний маданият факультетлари талабаларини ҳам қамраб олади. Бу эса, талабалик даври, талабаларнинг педагогик-психологик хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гришин Е.Е. Концепция понятия “студенчество” в социологии./Социальные науки. №3 2020. С. 21.
2. Жабборов Ҳ. Маънавий балоғат. Тошкент, РМММ Ижтимоий маънавий тадқиқотлар институти. 2024. 123 б.
3. Лисовский В.Т. Социология молодежи. СПб., 1996. Стр. 134.
4. Самарин Ю.А. Очерки психологии ума. Ленинград, Изд. ЛенПИ, 1979. С. 42.
5. OECD Learning Framework 2030. [https://www.oecd.org/education/2030/E2030%20Position%20Paper%20\(05.04.2018\).pdf](https://www.oecd.org/education/2030/E2030%20Position%20Paper%20(05.04.2018).pdf)
6. Джалилов К. Навыки 4К в образовании: Что это, как их внедрять и получается ли? <https://www.gazeta.uz/ru/2023/12/30/4k/>.